O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 19 сентябр, сешанба | № 38 (190) | Сотувда эркин нархда

Вилоят адлия бошқармаларида

ШАРТНОМАВИЙЛИК НАЗОРАТИМИЗДА

Жиззах вилояти адлия тизимида Ўзбекистон Республикасининг шартномавийликка оид қонуни ҳамда ушбу масалани тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мунтазам назоратга олинган ва кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, Адлия Вазирининг топшириғи асосида хўжалик субъектларига 14 та марказий аппарат ходимлари, 12 та ФҲДЁ бўлими мудирлари, 21 та давлат нотариуслари, 19 та суд ижрочилари, жами 66 та ходим бириктириб қўйилгандир. Уларнинг вазифалари, масъулияти аниқ белгилаб берилган, фаолиятлари доимий назоратда бўлиб, ўрганилиб, умумлаштириб борилаяпти. Хусусан, ўтган давр ичида бевосита 221 та хўжалик субъектлари адлия ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Бунда 14310 та 23.435.178.000 сўмлик ташқи, жумладан, 5766 та 13.983.506.500 сўмлик контрактация шартномалари қамраб олинди.

Бу жараёнда 206 та 305.257.000 сўмлик ташқи, жумладан, 52 та 108.120.000 сўмлик контрактация шартномалар тузилишида адлия ходимлари ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар. Бундан ташқари, 2968 та 1.529.729.200 сўмлик ички хўжалик шартномалари, жумладан, 1337 та 598.340.600 сўмлик пудрат, 1631 та 931.438.600 сўмлик ижара шартномалари ўрганилди, 62 та 18.918.000 сўмлик ички шартномалар тузилишида ёрдам кўрсатдик, 115 та 119.549.000 сўмлик нотўғри тузилган шартномаларни аниқладик, улар қайта туздирилди. 412 та 896.735.700 сўмлик муддатида бажарилмаган, шартлари бузилган шартномалар аниқланиб, талабномалар ёзишда ёрдам кўрсатдик.

Талабномаларимиз асосида 210 та шартнома бўйича 430.679.700 сўмлик зарар реал ундирилди. Муддатида шартлари бажарилмаган шартномалар бўйича 157 та, 349.740.700 сўмлик талабномалар юзасидан хўжалик судига даво аризалари киритилиб, уларнинг деярли барчаси кўриб чиқилди ва тўла қаноатлантирилди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан фақат ўтган етти ой давомида туман ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят ташкилотлари ва бошқа корхоналарга 37 та тақдимнома киритдик, улар кўрилиши натижасида 21 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 2 та шахс вазифасидан озод қилинди, 18 та шахсга бошқа таъсир чоралари кўрилди.

Масалан, Мирзачўл туман Мирзачўл ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Б.Холмирзаев, Жиззах матлуботсавдо ҳудудий акциядорлик компанияси Дўстлик туман МСАЖ раиси О.Болибековлар ишдан олинди. Жиззах туман МСАЖ раиси Ш.Маматқулов, Мирзачўл туман МСАЖ раиси Ж.Хўжанова, Ғаллаорол савдо фирмаси раҳбари Р.Эшмирзаев, Дўстлик туман агрофирмаси раҳбари Т.Одилов, Янгиқўрғон супермаркет раҳбари Э.Сайдуллаевлар интизомий жазога тортилдилар.

"Жиззахматлуботсавдо" ҳудудий акциядорлик компанияси маркетинг, савдо ва умумий овқатланишни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи И.Эшонқулов, муовини Ф.Нарзиқулов ҳамда кадрлар бўлими бош мутахассиси Б.Файзиевлар ҳам ҳайфсан билан "сийланди"лар. Қатор масъул ва мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил 1-ярми якунига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, ширкат хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ички хўжалик шартномаларининг шартлари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ишларни янада чуқур ташкил этаяпмиз.

Ғаллаорол туман "Қўқбулоқ" ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Жўрабек"фермер хўжалигига 100 гектар ер майдони ажратилган. Фермер хўжалиги ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, 1999 йил декабрида Ғаллаорол туман Дон қабул қилиш жамоа корхонаси билан 32 тонна ғаллага контрактация шартномаси тузган. Унга кўра тайёрлов корхонаси фермер хўжалигига аванс тариқасида 2000 йил январида 11450 кг уруғлик буғдой берган.

Фермер хўжалиги 80 га лалми ерга жорий йилнинг март ойида буғдой эккан, аммо май ойига келиб, зироат бошоқ чиқармасдан, унишдан тўхтаган.

Фермер хўжалиги бунинг сабабини аниқлаш мақсадида туман ҳокимлиги, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, туман уруғчилик инспекциясига ёзма мурожаат қилган ва мутахассислар уруғлик буғдой кузда сувлоқ жойга мўлжалланганлигини аниқлашиб, хулоса беришган.

Оқибатда фермер хўжалиги 2221000 сўм моддий ва 150000 сўмдан ортиқ маънавий зарар кўрган. Биз аҳволни чуқур ўрганиб, фермер хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарарни Ғаллаорол туман Дон қабул қилиш корхонасидан ундириш тўғрисида судга даъво аризаси тайёрладик. Шартномавийликка оид ишларни тартибга келтириш юзасидан фаолиятимиз шу тариқа давом эттирилмоқда.

Ҳосилмурод ҚЎШМАТОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Ҳусан ҚОДИРОВ,
бошқарма етакчи мутахассиси

Пахта - 2000

"АСФАЛЬТ"ДА ПИШГАН ҚОВУНЛАР

Далаларимизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Йиғиштириб олинаётган ҳосилнинг сифати қайта ишлаш корхоналари ишчи-хизматчиларидан катта масъулият, тадбиркорлик ва фидойилик талаб қилади.

Азизхон Эргашев 1971 йилда Охунбобоев туманидаги "Хўжа-ариқ" пахта пунктида чилангарликдан иш бошлаганди. Бу ерда ишлаш мобайнида Тошкент тўқимачилик институтининг пахтачилик куллиётида ҳам сиртдан ўқиб, битириб келди.

1983 йилдан эса у Тошлоқ тумани пахта тозалаш заводи қошидаги Охунбобоев тумани Қум-тепа пахта пункти мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда Қумтепа пахта тайёрлаш пункти 10 минг тонна пахта қабул қилиш қувватига эга. Фарғона вилоятидаги мавжуд 47 та пахта тайёрлаш ва уни қабул қилиш пунктлари орасида биринчилар қаторида 2000 йил ҳосилини қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

Пункт қошида чигитни туксизлантирадиган цех мавжудки, бу ерда Тошлоқ, Охунбобоев, Фарғона туманларида плёнка остига экиладиган чигитлар тайёрлаб берилади. Буларнинг бари Азизхон Эргашевнинг тадбиркорлиги туфайлидир. У доимо изланишда. Унинг ташаббуси билан пункт атрофларида бир қарич ер ҳам бўш қолдирилмай, мевали дарахтлар эктирилди, ҳозирги кунда ана шу мевалардан (10 сотих узумзор, ёнғоқ, шафтоли, ўрик, бодом ва бошқалардан) шу жамоада ишлаётган ишчилар баҳраманд бўлишмоқда. Тадбиркорликни қарангки, ҳеч ким ўйламаган ёки ақлига келмаган ишни Азизхон амалга оширган. Маълумки, пахта бункери супада туради ҳамда қабул қилинган пахта баҳор ойларигача атроф,заводларга юборилиб, жой бўшайди. Йил давомида бўш турган асфальтдан фойдаланиш мақсадида 6 гектарлик асфальтланган жойга, яъни супа қирғоғига 10 см, энига 20-30 см чуқурликда кавлаб, март ойларида қовун-тарвуз уруғини экиб қўйишади. Қарабсизки, баҳор ёмғиридан фойдаланиб, бу ерда то кузги мавсумгача лалми қовун-тарвуз етиштирилади. Уз ички имкониятларидан фойдаланган раҳбар тадбиркорлик туфайли ортгирилган пулларга қўйқўзичоқлар олиб, пункт қошида боқдирмоқдаки, бу ҳам ишчилар жонига оро кирмоқда.

Суратда:
(чапдан) товаршунос Олимжон Эргашев, мудир Азизхон Эргашев ва Охунбобоев тумани Давлат ёнғин назорат бўлими бошлиғи, ички хизмат капитани Маъмуржон Жумабоевлар 2000 йил ҳосилини хавф-хатарсиз қабул қилиш хусусида сухбатлашмоқдалар.

Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат.

Дилдаги гаплар

ЎЗ ЙЎЛИНИ ТОПГАН ЮРТ

Мана, тўққиз йилдирки, мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъматдан ўзбек халқи ҳам баҳраманд бўлмоқда. Кунлар, ойлар ўтган сайин бу улуғ неъмат қадрли бўлиб бормоқда, ҳар биримизнинг жисму жонимизга сингмоқда. Мустақилликнинг нақадар азиз, улуғ, мўътабар эканлигини ич-ичимиздан ҳис қилмоқдамиз. Шу фараҳбахш лаҳзаларда кўз олдимизда юрт истиқлоли учун жон берган аждодларимизнинг сиймолари гавдаланади. Мўғуллар истилоси, чоризм мустамлакаси, асримиз бошларидаги ур-йиқитлар, "қизил империя"нинг зулми... Истиқлол учун нақадар аёвсиз курашлар бўлганлигини, бу йўлда аждодларимиз жон олиб, жон берганликларини эсласак, шубҳасизки, биз учун мустақиллик жону ҳаётимиздек азиз, ор-номусимиздек муқаддас эканлигини англаймиз. Шунинг баробарида мустақилликни англай олган, унинг йўлларида қурбон бўлганлар руҳи олдида ўзимизни бир умр қарздордек ҳис қиламиз. Уларнинг иродаси, сабру бардоши, журъату жасорати биз учун ибратдир. Дарвоқе, ўтганларни ҳурмат билан ёдга олиш, улар жасоратини келгуси авлодга ибрат сифатида етказиш мақсадида мамлакатимизда истиқлол учун, юрт озодлиги учун жон берган ватандошларимизнинг муқаддас хотиралари, номлари қайта тикланмоқда. Бу ишлар учун жамғарма ҳам тузилди, мутахассислар, олимлар жалб қилинди.

Албатта, мустақилликни қўлга киритиш осон бўлмаганидек, уни мустаҳкамлаш, Ватанни озоду обод ҳолда келгуси авлодларга етказиш ҳам мураккаб бир жараёндир. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ буни яхши англаб етган мамлакатимиз халқи ва раҳбарияти, шахсан юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон тараққиётининг келажакдаги дастурларини белгилашда ақл билан, реал воқеликдан келиб чиқиб, иш тутди. И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" номли асарида шундай ёзади: "...мустақилликнинг дастлабки йиллари – республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди.

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди".

Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, заҳматли, хавотирли йиллар ортда қолди. Мамлакат дунё миқёсида тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Аммо бу зинҳор хотиржам бўлиш мумкин, дегани эмас. Зеро, ҳар лаҳзада чайқалиб турган замонда хотиржамликка ўрин йўқ. Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида мамлакатимиз мустақиллигини, хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалаларга тўхталиб, жумладан шундай деган эди: "Бугунги кунда бизнинг минтақамиз шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради".

Ҳа, бу фикрлар айнан реал воқеликдан келиб чиқиб айтилгандир. Диний экстремизм, терроризм хавфи бугунги кунда нафақат маълум бир давлат ёки минтақа, балки бутун дунёни хавотирга солмоқда. Экстремистик, террористик гуруҳлар, уларнинг аъзолари тобора ваҳшийлашиб, одамийлик қиёфаларини йўқотиб бормоқдалар. Агар бир лаҳза ҳушёрлик қўлдан берилса, атрофда кечаётган воқеаларга бепарволарча муносабатда бўлинса, бу ҳол даҳшатли фожеаларга олиб келиши мумкин. Буни ҳар биримиз яхши англаб етмоғимиз лозим.

Ўзбекистон мустақилликка эришганиданоқ минтақавий, дунёвий муаммолар хусусида ўз фикрини аниқ далиллар орқали турли халқаро минбарлардан туриб айтди ва ҳозир ҳам айтмоқда. Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йиғинларидаги ва бошқа халқаро анжуманлардаги чиқишларида жаҳон ҳамжамиятини дунёдаги, хусусан, Афғонистондаги муаммолар тўғрисида жиддийроқ ўйлашга, аниқ чоралар кўришга даъват этди. Дунёда етиштирилаётган гиёҳвандлик моддаларининг аксарият қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу нафақат Осиё, балки бутун жаҳон аҳли олдида турган улкан муаммодир. Шу нарса аёнки, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик чек-чегара билмайди. Кимки бу фалон давлатнинг ёки минтақанинг муаммоси деса, хато қилади. Бу ҳақда юртбошимиз куюнчаклик билан гапириб келмоқдалар.

Вақт ўтиши билан бугун Ўзбекистонни ҳам бироз хавотирга солаётган, унинг тинчлиги, осойишталигини бузмоқчи бўлаётган хуружларнинг барҳам топиши аниқ. Зеро, ёвузликнинг умри қисқадир. Қоларверса, Ўзбекистон ҳеч ким эътироз билдиролмайдиган, инсониятнинг тарихий тажрибасида синалган йўл – демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлини танлаган. У ҳар хил жаҳолатли ақидалар, шиорлар, "изм"лардан холи бир йўлдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди бу улуғ йўлдан бизни ҳеч ким қайтара олмайди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ишлар, халқимиз онги ва тафаккуридаги буюк ўзгаришлар шундан далолатдир.

М. ҚЎЛДОШЕВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги.

БУГУНГИ СОНДА:

ОШИМИЗГА ОҒУ СОЛА БИЛМАСЛАР...

ПОРА ЕГАН - ПОНА ЕР

БАХТ БАРЧАГА ЯРАШИҚЛИДИР

БОЖХОНАДА

Иқтисодий муҳофаза - даврнинг талаби

...Лекин, ана шу ҳолатларда қайсидир постдаги божхона ходими сал эътиборсизлик ва лоқайдлик қилиб қолса, кимдандир нимадир таъма қилса, бунда божхона талаблари бузилади. Чегарадаги ҳукумат ишониб қўйган инсон — божхона ходими ўз касб масъулиятини йўқотган бўлади. Биз бундай шахслар билан муроса қила олмаймиз.

Йил бошидан буён ўтган 8 ойда таъмагирлик ҳолатларини содир қилган 7 нафар ходим билан хайрлашишга тўғри келди.



Нуқтаи назар

ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Кўпгина атоқли олимлар, турли давлатларнинг уддабуррон сиёсий арбоблари таъкидлаётганидек, XXI аср чин маънодаги ғоялар, мафкуралар кураши асри бўлажак. Янги аср бошланмасиданоқ фикрлар, ғоялар, мафкуралар тез-тез бир-бири билан тўқнаш келишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Афсуски, айрим мамлакатларда айнан яхшиликдан кўра ёвузлик билан суғорилган ғоялар ҳаётга тез татбиқ бўлмоқда. Биргина терроризмнинг дунё миқёсида авж олаётгани бунинг далилидир.

Аёнки, кимнинг миллий мафкураси кучлироқ, ғоялари ҳаётга яқинроқ бўлса, жаҳон майдонида у ғарбаланддир, чунки бу тушунчалар энди қуролдир. Ўзбекистонимиз ҳам ана шу сарбаландлик даъвосида ҳақдир.

Дунё пайдо бўлибдики, бутун бошли бир халқнинг иродасини синдириш, йўқ қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бесамар кетаверган. Одамлар бугун жим бўлишса, эртага бош кўтаришган, ёвузликнинг умри қисқа деб курашишган ва бу орзулар муқаррар равишда ушалган ҳам.

Шу пайтга қадар айрим давлатлар ўз хавфсизликларини қудратли ҳарбий қурол-яроғлар билан таъминлашга умид боғладилар. Ҳолбуки, бугун бундай қуроллардан кўра мафкуравий қуроллар иштирокидаги "жанг"лар шиддатли тус олмоқда. Президентимизнинг кўпгина асарларида, хусусан, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида бу ҳол атрофлича тушунтириб берилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ маънавият, мафкура масалаларининг долзарблиги эътироф этилди. Тарихий анъаналаримизни тиклаш, миллий қадриятларга қайтиш йўлида эзгу тадбирлар амалга оширилди. Жаҳонга овозаси кетган буюк аждодларимизнинг муборак номлари фахр-ифтихор билан тилга олинмоқда ва уларни ўрганиш ишлари жадаллаштирилмоқда. Минглаб масжидлар қурилди, азиз ватандошларимиз бўлган забардаст олимларнинг номлари абадийлаштирилди. Биргина Имом Ал-Бухорий ҳазратларига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром бунга мисолдир. Аммо айримлар диндан ғараз ниятлари йўлида фойдаланмоққа чоғландилар. Бу ҳақда кенг тўхталишнинг ҳожати йўқ. Бироқ...

Шеърият, қўшиқчилик каби санъат турларининг бошқа халқлар ҳавас қилса арзийдиган мумтозлари биздадир. Бундай асарлар ҳар қандай одамни жунбушга келтириши табиий. Аммо оддий тингловчи, мухлис сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек қўшиқчилигининг баъзи томонлари бугун ҳавас қиларли даражада эмас. "Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади", дейишади. Санъат осмонида беҳад кўпайиб бораётган "юлдузлар"нинг аллақандай мусиқа оҳангида "алжирашлари" санъатимиз, маънавиятимизга қаратилган очиқ-ойдин ҳужумдир. Зеро, эсли-ҳушли одамлар на уйқуда, на уйғоқликда бу "қўшиқ"лардаги каби алаҳсирамайдилар. Баъзан телевиденининг иккита, учта нуфузли каналлари орқали бир вақтнинг ўзида битта "хонанда"нинг шундай чиқиши ақл бовар қилмас ҳолатдир. Санъатнинг инсон онги ва тафаккурига таъсири катта. Буни яхши англаган ҳукуматимиз бир ёқда маънавиятни ривожлантирайлик, одамларимизда фикрлаш маданиятини шакллантирайлик деб, жон куйдирса, маънавият марказлари фаолият кўрсатса, иккинчи томондан бу ишларнинг белига тепиш гуноҳ эмасми? Умуман олганда бу маънавий кемтиклик деб айтсак, хато бўлмас. Баъзида шундай тоифадаги "қўшиқ"чилар бу борада нималаргадир эришдилар ҳам: айниқса, ёшлар ўша оҳанглар таъсирига берилдилар. Бетакрор созанда Турғун Алиматов Франция саҳналарида тамбур чертганида, фаранглар давомли қарсаклар билан олқишлаганларини ўқигандик. Хулоса шуки, ҳозирда ойнаи жаҳонда эрта-ю кеч янграётган ва "имененник"ларимизни яратаётган "куй-қўшиқ"ларнинг савияси тик туриб олқишлаш даражасига етмаса-да, фикрловчи мухлиснинг асабига тегмайдиган бўлиши шартдир.

"Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер",

деб ёзадилар устоз шоир Абдулла Орипов. Дарҳақиқат, бутун бир қўшин бостиролмаган ғалаён ёки бебошликка бит-та таъсирчан асар билан чек қўйиш мумкин. Шу боис ақлли гапларни эшитиш, ўқиш умидида телевизор кўраётган, китоб варақлаётган инсон учун имкон қадар ақлли гапларни гапириш, кўрсатиш ва чоп этиш лозимдир.

Шу ўринда айримларнинг наздида "арзимас" бўлган бир ҳолатга ҳам эътибор қаратишни лозим топдик. Кузатган бўлсангиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг катта-катта кўчаларида, диққатга сазовор жойларида турли шиорлар, ҳикматли гаплар, жой номлари ва бошқалар битилган лавҳаларга кўзингиз тушади. Улардаги қўпол хатоларни кўриб, кулишингизни ҳам, йиғлашингизни ҳам билмайсиз. Ҳазрат Навоий **"Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз"**, деганлар. Ўша ёзувлар турган бино ёки жойнинг раҳбари ўзининг Она тилига шундай "эътибор" билан қараса, унинг бошқа ишларга муносабатини ўзингиз англаб олаверинг.

Давлатимиз демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан дадил бормоқда. Демократия баҳсларни, ҳур фикрлиликни, тўғрисўзликни талаб қилади. Бўлаётган воқеа, ҳодисаларга нисбатан танқидий муносабат охир-оқибат ижобий натижалар беради. Бировнинг ёки қай бир ишнинг яхши жиҳатини айтишга ҳамма вақт ҳам улгурса бўлади. Аммо камчилик ва муаммолар ҳақида вақтида гапирилмаса, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Яширилган тўғри фикрдан кўра кўпчилик эътиборига ҳавола этилган баҳсталаб фикр яхшидир. Чунки сиз ҳеч бўлмаганда, шундай йўл тутиш нотўғри эканлигини англайсиз. Тўғри, андиша ўзбек халқининг бебаҳо фазилати. Лекин бу фазилат таъмагирликка, "сен менга тегма, мен сенга тегмай" қабилида иш тутишга хизмат қилмаслиги керак. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган ақида бежиз яралган эмас.

Бугунга келиб Ўзбекистонни олам аҳли таниди ва тан олди. Мамлакатимиз дунё миқёсидаги муаммо ва масалалар юзасидан ўз овозига эга. Энди ана шундай давлатнинг ҳар бир онгли фуқароси ҳам мустақил шахс сифатида шаклланмоғи лозим. Ким нима деса, шунинг орқасидан кетавермайдиган, ҳар битта масалага оид ўзининг мустақил фикрига, қарашларига эга бўлган ва шунинг баробарида ўзгаларнинг ҳам сўзларига қулоқ сола оладиган одамларни тарбиялаш инсонпарвар, демократик ҳуқуқий жамият қураётган давлатимизнинг бош мақсадларидандир.

Буюк Истиқлолнинг 9 йиллик тантаналари давом этяпти. Тўққиз йилда юртимиз эришган ютуқларни дунё аҳли кўриб лол қолмоқда. Ҳақиқатда ҳайратланарли ишлар... Энди ана шу ютуқларни кўпайтириш, асраш, янгиларига эришиш ўзимизга боғлиқ.

Рўзибой САИДОВ

ЎЗИНГНИ, ЎЗ ЎЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Муносабат

ОШИМИЗГА ОҒУ СОЛА БИЛМАСЛАР...

Асл инсонлар ҳамиша эзгуликни ўйлашади, ёмонлардан қочиб, яхшиларга ёндашишади. Ножўя хатти-ҳаракатлар нарёқда турсин, ҳатто ёмон ўй-хаёллардан ҳам ўзларини асрашади. Аммо атрофимизда шум ниятли кимсалар ҳам шарпадек кезиб юрганлигини назарда тутмасликка ҳаққимиз йўқ. Вазият бепарволикни кечирмайди. Халқимиз ўзининг тинч, осуда ҳаёти Ватаннинг мард ўғлонлари — аскар фарзандларимизнинг хизматлари эвазига эканлигини унутмаслиги керак.

Ажойиб бунёдкор ватандошларимиз, замондошларимиз бор. Оддий меҳнаткаш инсонларнинг ҳушёрлиги туфайли Сурхондарёнинг олис баланд тоғлари, дара ва ғорларига суқилиб кириб олган бир ҳовуч ёвуз ниятли кимсаларнинг хуфёна хатти-ҳаракатлари фош этилди. Буни халқимиз дилига жо бўлган фидойилик, ватанпарварлик кайфиятлари, истиқлолимизга бўлган чексиз ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқат ва эътиқод рамзи, деб биламан. Бузғунчи жангариларнинг шум ният ва қадамлари ҳақида тегишли идораларга тоғларда ҳаёт кечираётган оддий чўпонлар хабар беришган. Бу юқорида таъкидланган инсоний сифатларнинггина эмас, чинакам огоҳлик, ҳушёрлик ва сезгирликнинг ҳам яққол намунаси. Ватанимиз мард фарзандларининг ёвуз душманга тап тортмай қилаётган ҳамлалари эса истиқлолимизга бўлган ёрқин садоқат, унинг ғоялари ва ғалабаларини кўз қорачиғидай асраш йўлидаги чинакам мардлик, жасорат, қаҳрамонликнинг энг ёрқин ифодасидир. Қўрққан одам кўкрагини душман ўқига тутиб бермайди. Бизнинг мард фарзандларимиз эса ўлимга тик боришди. Халқаро террорчилар гуруҳига қарши жангларда ҳалок бўлган ўғилларимиз ана шундай мард ва ботир эдилар. Ёв уларнинг кучи, қуввати олдида эмас, юрагидаги садоқати, мардлиги ва жасурлиги олдида энди мум тишласин.

Мен оддий ҳуқуқшунос аёлман. Ёшим аллақачон 70 дан ошган. Лекин шу кунларда ўзимни ниҳоятда тетик, бардам ҳис этяпман. 70 йиллик умримнинг 50 йилдан зиёди жиноятчилар, жамият душманларига қарши кураш билан ўтди. Шу вақт ичида неча юзлаб қаланғи-қасанғиларнинг додини бериб, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳимоя қила олганимдан мамнунман. Кексайсам-да, ўзимни Ватандан, халқимдан қарздор ҳисоблайман. Бу қарзимни хусусий адвокатлик маҳкамасидаги хизматим эвазига адо эта олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблар эдим. Ватанфурушлар юртига ва халқига, қолаверса, ўз ота-онасига қарши қўл кўтарганлар, ўзларини ҳеч маҳал бахтли ҳис қила олишмайди. Чунки жаҳоннинг ҳеч бир ерида бузғунчиларни ҳеч ким ўзига эл санамаган, санамайди ҳам.

Шу кунларда элдошларимизнинг кайфиятини кузатаяпман. Бутун Хоразм воҳаси бир фикрда: газандалар ҳамма жойда ит ўлимини топмоғи керак. Бунинг учун кучни ҳам, маблағни ҳам, мардлик ва ботирликни ҳам аяш йўқ. Биз — тинч элнинг фуқароларимиз. Бошқа бировнинг тинчиоромини бузишга интилаётганимиз йўқ. Шундай экан, бизнинг ҳалол ошимиз, тинч, осуда ҳаётимизга ҳам ҳеч ким раҳна солмасин. Раҳна солганлар эса энди биздан ҳам, Президентимиздан ҳам, қуролли кучларимиздан ҳам хафа бўлишмасин, гина қилишмасин. Юртимиз аҳли ўз истиқлоли, тинчлиги, осойишталиги, мўътабар ғояларини ҳар неданда азиз ва муқаддас санайди.

Султон МАДРАҲИМОВА,
Урганч шаҳридаги "Ҳуқуқ" хусусий адвокатлик фирмаси раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Божхонада

МАСЪУЛИЯТ

Жиззах вилояти Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Шу икки қўшни давлатларга ўтадиган йўлларда 7 та божхона постларимиз мавжуд. Улар сергак божхоначиларимиз томонидан кеча-ю кундуз назорат қилиб борилмоқда.

Бугун божхона ходими бўлиш қийин ва масъулиятлидир. Унинг вазифаси фақат олиб кетилаётган ёки олиб келинаётган юкларни текшириб, бож ундириш эмас.

Маълумки, сўнгги бир-икки ойда мамлакатимиз Жанубидаги чегара ҳудудларимизга айрим нопок кимсалар суқулиб кириб, тинчлигимизни бузишга, осойишталигимизга раҳна солишга уринмоқда. Уларнинг мақсади аниқ: Европага гиёҳвандлик моддалар олиб ўтиш учун республикамиз ҳудудида туйнук очиш. Лекин бу ифлос кимсалар ўз мақсадларига эриша олмайди. Шунинг учун энди улар "қора ажал"ни бозорларга олиб чиқишнинг янгиянги усулларини ўйлаб топмоқда. Хусусан, нотинчликлар туфайли қийналиб қолган ёки жиноят қилиб қидирувда бўлган Тожикистон фуқароларини катта пул эвазига, гиёҳванд моддаларни божхона постларимиз орқали ўтказиб беришга ёлламоқда.

Шу йилнинг 18 август куни 3-Зомин божхона пости ходимлари чегарачилар билан ҳамкорликда "Ўратепа-Зафаробод" йўналиши бўйича кетаётган "Жигули" автомашинасини тўхтатиб, назоратдан ўтказишади. Текширув натижасида йўловчилар Зуҳро Ғуломалиева, Гулбону Барноева ва Зуҳро Зубайдуллаеванинг сумкаларидан 5 килограмм 30 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Ҳозирда бу шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Умуман олганда, божхоначиларимиз шу йилнинг 7 ойида 13 марта мамлакатимиз ҳудудига гиёҳвандлик моддалари олиб киришга уринишларни фош этишди. Жиноятчилардан 10744.8 гр. наша, опиум, героин каби моддалар тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланди. Тўрт ҳолат бўйича қонунбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бизнинг божхона постларимиз орқали мамлакатимиз ҳудудига турли қуролярағлар, диний экстремистик руҳдаги адабиётларни олиб ўтишга ҳам уринишлар бўлиб турибди. Бироқ божхоначиларимиз бунга йўл қўйишмаяпти, барча қонунбузарликларнинг пайини қирқмоқдалар.

Жорий йилнинг етти ойи ичида вилоятимиз божхона постлари орқали 31 млн. 689 минг 300 долларлик, яъни 37005 тонна халқ хўжалик юклари ўтказилди. Шундан салкам 21 миллион долларлик моллар четга чиқарилган бўлса, 10 миллион 729 минг 100 долларлик халқ хўжалик юклари республикамизга келтирилди. Бу ўтган йилги етти ойлик кўрсаткичларга қараганда анча кўпдир. Шунингдек, республикамизга кириб келаётган 90010 та, мамлакатимиздан чиқиб кетаётган 30993 та фуқаро ҳам божхона кўригидан ўтказилди.

Маълумки, сўнгги йилларда турли хил рангли металл парчалари ва чиқиндиларини мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга уринишлар кўпайди. Бу қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида ўтган йилнинг 5 февралида Республикамиз Президентининг "Рангли металл парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳар бир божхона ходимининг муқаддас бурчидир. Йил бошидан буён вилоятимиз божхоначилари 292 марта рангли металл парчалари ва чиқиндиларини олиб чиқишга бўлган уринишларни фош этишди, 63 тоннадан кўпроқ ноёб металл ушлаб қолинди.

Божхона ходими ҳалол, юртини, Ватанини жонидан ортиқ севувчи фидойи инсон бўлиши керак. Биз кадрлар танлашда аввало хизматчиларимизнинг шу фазилатларига эътиборни қаратамиз. Ходимларимизнинг савиясини ошириш, уларни дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеалардан мунтазам хабардор қилиб туришга ҳам жиддий эътибор бераяпмиз. Мамлакатимиз Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Давлат божхона қўмитаси буйруқ ва кўрсатмаларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида махсус ўқишлар ташкил қилдик. Постларда тез-тез ҳар бир ходим билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб бораяпмиз. Аввалдан тузилган режа бўйича шу йилнинг етти ойида постларда жами 93 марта ошкора тарзда, 4 марта яширин текширувлар ўтказдик. Текширувлар натижаси жамоада муҳокама қилиниб, қонунбузар божхоначиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча ходимларимиз ўз вазифаларига виждонан ёндашмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли йил бошидан буён 453 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 30 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди, 17451000 сўмлик товар моддий бойликлар ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётгани учун ушлаб қолинди.

Нурмуҳаммад АБДУВАЛИЕВ,
Жиззах вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Суратда: (ўнгдан) вилоят божхона бошлиғи ўринбосари А. Абдувалиев ҳамкасблари О.Мақсудов ва Ш.Ҳожиматов билан ўзаро мулоқотда.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ХАЛҚ ПОСБОНЛАРИ

Пешқу туманида янгилик ва синов тариқасида армия хизматини ўтаган, соғлом, Ватан ва халқ олдидаги масъулиятни чин дилдан англашга қодир 34 нафар йигитлардан иборат халқ посбонлари гуруҳи ташкил этилди.

Вилоятда биринчи бўлиб ташкил этилган бундай тадбир ҳар томонлама ўрганишга, қўллаб-қувватлашга лойиқ, деб баҳоланяпти. Сир эмаски, қишлоқларда ёш, соғлом йигитлар иш излаб ўзлари қизиққан соҳаларга қандай яқинлашишни билмай узоқ вақт сарсон бўлишарди. Сирасини айтганда, бугун милицияда ишлаш ҳар қачонгидан ҳам оғир. Замон талабига жавоб берадиган тинчлик посбонларини танлаш, ўқитиш, тарбиялаш осон иш эмас. Шуларни ҳисобга олсак, Пешкуда қўлланган тадбир юқоридаги муаммоларни ечишда қўл келяпти, фавқулодда самаралар беряпти.

- Вазирлар Маҳкамасининг 19 апрел 1999 йил (№ 180), туман ҳокимлигининг 5 май (№ 302) қарорларига асосан туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Ражаббой Очиловнинг ташаббуси билан ташкил этилган халқ посбонлари гуруҳи милицияга кадр танлашнинг, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашнинг янгича усулларини намоён этишдир, - дейди истеъфодаги милиция подполковниги, Пешқу халқ посбонлари гуруҳининг сардори Шариф Раҳматов. — Танлов асосида олинган 34 нафар йигитларимизнинг барчаси чиниққан, милиция ишига ҳурмати, қизиқиши зўр болалар. Улар кўкрак нишони, гувоҳнома, ўзларига мос алоҳида форма билан таъминланганлар. Шу йил вилоят бўйича маҳалла посбонлари кўрикланловида пешкулик халқ посбонлари биринчи ўринни олишди...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳалла посбони билан халқ посбони ўртасида анча-мунча фарқ бор. Биринчидан, маҳалла посбони деган вазифани турли ёш, савиядаги кишилар тирикчилик учунгина ўтаётганларини ҳам кузатганмиз. Уларнинг орасида ўз вазифасини, бурчини тўла англамайдиганлари ҳам бор. Иккинчидан, улар интизом борасида ҳам оқсайдилар, умуман, уларнинг якка ҳолда фаолият кўрсатиши унча самарали кечмаяпти. Агар маҳалла посбонидан ҳақиқий иш, вазифасига мос ва хос жавобгарлик талаб этилса, аксарият маҳалла посбонлари жойларини бўшатиб қўйишига тўғри келади.

Пешкудаги халқ посбонларига келсак, биринчидан, улар ишга танлов — тест асосида (20-25 ёшгача бўлиши шарт) қабул қилинадилар. Ҳар эрта соат 8^{30}да 34 нафар халқ посбони шахсий таркиб ёнида саф тортади. Посбонлар топшириқни бевосита туман ички ишлар бўлимидан олиб, ДАН ва участка нозирлари ихтиёрига тақсимланадилар. Улар ўзларини худди милиция ходимидек ҳис этиши, мустақил ва ҳамкорликда ишлашни ўрганиши учун юқоридагидек тартиб қўл келади, бир сўз билан айтганда, бу усул халқ посбонлари учун дастлабки мактабдир.

- Халқ посбонларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, турли машғулотларда иштирок этишларини таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, - дейди Ражаббой Очилов. — Чунки яқин келажакда улардан ҳар қандай оғир, сабр-бардош, ҳушёрлик, эл-юртта, касбига садоқат талаб этиладиган юмушларни бажаришга қодир, сараланган милиция ходимлари тайёрлашни ният қилганмиз. Асосий вазифа ёшларда тажриба, кўникма ҳосил қилиш, уларни ўқитиш, амалиётга олиб киришдир. Бу борада дастлабки натижаларга ҳам эришилди: 3 нафар халқ посбони — Зайниддин Шамсиев, Собир Қурбонов, Карим Саидов топшириқларни аъло даражада бажаргани, ишда фаол иштирок этгани учун милицияга ишга олинди. Олти ой ичида халқ посбонлари туман Ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда 7 та жиноятни очишда фаол иштирок этдилар ва нимага қодир эканликларини исботладилар...

Ҳа, ҳар соҳада янгилик бўлгани каби, милиция ҳузурида халқ посбонларининг тузилиши натижасида ишда ижобий силжишлар рўй бериши кузатилмоқда.

Халқ посбонларининг таъминоти — уларни маош, уст-бош, кўкрак нишонлари билан таъминлаш муаммоси ҳам ўз вақтида ҳал этилди. Туман ҳокимининг қарорига кўра жамоа хўжаликлари, ташкилотлар шартнома асосида посбон ўғлонларини маош билан таъминлайдилар. Хуллас, Пешкуда бошланган бундай ташаббус ўрганишга, қўллашга арзигулик тадбирдир. Ҳамиша ҳушёрлик, қатъийлик, садоқат талаб этиладиган халқ посбонларига соғлиқ, аҳиллик ёр бўлсин.

Ражаббой РАУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

* * *

Суратда: пешкулик халқ посбонларидан бир гуруҳи.

Огоҳ бўлайлик

ЭЛ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

Вилоятимизнинг Сариосиё ва Узун туманларида, Қирғизистон сарҳадларида кечаётган воқеалар биздан бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам сергак бўлишни талаб қилади.

Шеробод тумани ИИБда кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режалар асосида жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари иштирокида хонадонларда бўлиб, турли текширув ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Туманимиз асосан Туркманистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, бу чегаранинг узунлиги 53 км.ни ташкил этади.

Туман ҳудудида жиноятнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлигини, хавфсизлигини таъминлаш, чегарани мустаҳкамлаш борасида ИИБ ходимлари жойлардаги маҳалла қўмиталари, посбонлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишган.

Шу йилнинг июн, июл ойларида "Тозалаш", "Антитеррор", "Арсенал", "Қорадори-2000" тадбирлари муваффақиятли ўтказилди ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида биргина Шеробод ДАН постида Тожикистон Республикасининг 25 нафар фуқароси ноқонуний тарзда, ҳеч қандай рухсатномасиз вилоятимиз ҳудудига кириб келганлиги аниқланди. Ушбу шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, улар мажбурий тарзда ўз ватанларига қайтариб юборилдилар.

"Арсенал" тадбири давомида туман ИИБ ходимлари томонидан шу кунгача фуқаролардан 75 та ўқотар қуроллари, 30 дона ўқдори, 4 та жанговар снаряд олинди, 8 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Олиб борилган ташвиқот-тарғиботлар натижасида фуқаролар ноқонуний равишда сақланаётган 44 та ўқотар қуролларини ИИБга олиб келиб топширдилар. Рухсатнома тизими бўйича ҳисобда турган овчиларнинг қуроллари текширилганда, 20 нафар шахс қурол сақлаш қоидаларига риоя этмаганлиги аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 12 та факт аниқланди, ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Туманимиз чегарада жойлашганлиги учун у орқали мамлакатимизга қўшни давлатлардан ҳар хил ўқотар қуроллар, портловчи моддалар, гиёҳвандлик моддалари, Ўзбекистоннинг Конституцион тузумига қарши кайфиятда ёзилган варақалар, бошқа адабиётлар, аудио ва видео кассеталарни олиб ўтишга уринишлар бўлиб туради. Биз бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доимо тайёрмиз.

Абдиқодир НУРУЛЛАЕВ,
Шеробод тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги

Қилмиш-қидирмиш

ОЛҒИР ҲАЙДОВЧИЛАР

Ғалла ўрим-йиғими айни қизиган палла эди. Бойсун туманидаги "Агротранс"ҳиссадорлик жамияти етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, давлат омборларига ташиб келиш учун автоуловлар ажратди. Яхшида, элнинг ризқ-насибасини нобуд қилмай тўплаш хайрли иш. Афсуски, ҳайдовчилар орасида савобни насия қиладиганлари ҳам бор экан.

...Исмоил Ҳамроев ўз бошқарувидаги 12-79 СДИ давлат белгиси бўлган машинани Бандихон чўлидаги "Янги ҳаёт" ширкатлар хўжалигига қарашли ғаллазорга бурди. С.Норматов саркор бўлган ижарачи ғаллазордан 3 тонна 470 килограмм ғаллани машинага юклаб, туман марказидаги омбор томон елиб келаётганида ҳайдовчининг кўнглига шайтон ғулғула солди, нафсини қўзғади.

Исмоил Ҳамроев машинани уйи томон бурди ва давлат нархидаги 7713 сўмлик 270 килограмм буғдойни ҳовлисига туширди... Яқинда бўлиб ўтган суд айбдорга Жиноят Кодексининг 167-моддаси 1-қисмига асосан бир йил ахлоқ тузатиш жазосини белгилаб, иш ҳақининг 25 фоизини шу муддат давомида давлатга тўлаб боришни тайинлади.

Исмоилни йўлдан урган шайтон у билан бир корхонада ишлайдиган Асқар Жалоловни ҳам адаштирди. Асқар ҳам ўз бошқарувидаги машинага "Янги ҳаёт" ширкат хўжалигидан ортган 2700 килограмм буғдойнинг 210 килограммини уйига туширди. Суд ҳукмига кўра, келтирилган зарар ундирилди ва айбдор Асқар Жалолов бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм этилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини тўлаб борадиган бўлди.

Эл ризқига кўз олайтирганнинг ҳеч қачон бири икки бўлган эмас. Шояд бунга ҳар қайсимиз юракдан иқрор бўлиб, ишимизда амал қилсак. Акс ҳолда, кўпчиликнинг ризқини "туя" қилмоқчи бўлган олғир ҳайдовчилар ҳолига тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Нурилла БОБОЖОНОВ,
Бойсун туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Бу ажиб дунё

ҲИНДИСТОН ХИТОЙДАН ЎЗИБ КЕТМОҚЧИ

Яқинда Ҳиндистон Хитойдан кейин аҳолиси бир миллиарддан ошган мамлакатга айланди. Агар аҳоли сонининг ўсиши шу тариқа давом этса, 50 йилдан сўнг Ҳиндистон аҳолиси 1,5 миллиард кишига етади. Шундай қилиб, бу мамлакат аҳоли сони жиҳатидан ҳозир 1,25 миллиард аҳолиси бўлган Хитойдан ўзиб кетади.

Қизиғи шундаки, Ҳиндистон мустақилликка эришган 1947 йилда мамлакатда "атиги" 300 минг аҳоли яшарди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Иқтисодий муҳофаза - давр талаби

Бизнинг мусоҳаба

Таниқинг: Зафариддин Шукурович ТУРДИЕВ, 1961 йил Самарқанд вилоятида туғилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос, ички ишлар ва божхона идораларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида фаолият кўрсатган. 2000 йил январдан Хоразм вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

- Зафариддин Шукурович, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юқори кўтаришда амалга оширилаётган ишлар билан бирга товар моддий бойликларимизнинг четга олиб кетилишининг олдини олишда, юртимиз бозорларига кириб келаётган сифатсиз маҳсулотларни аниқлаш борасида Хоразм божхона ходимларининг фаолиятлари ҳақида маълумот берсангиз?

- Божхона ходими ҳудудий хавфсизликни қўриқлайди, юртнинг дарвозаларида посбонлик қилади. Моддий бойликлар ташиб кетилишининг олдини олади. Ҳар қандай ташмачиликка барҳам беришни виждон иши деб билади. Мамлакатимизга келтирилар билан муроса қила олмаймиз.

Йил бошидан буён ўтган 8 ойда таъмагирлик ҳолатларини содир қилган 7 нафар ходим билан хайрлашишга тўғри келди. Чунки божхона ходими юксак масъулият ва ишончни оқлаши, эл меҳрини қозониши керак. Касбига садоқат, ҳар қандай таъмагирлик ва тубанликдан холи бўлган ходимгина шараф ва обрў топа олади.

Ўз хизмат вазифасига садоқатли ходимлар нафақат бошқармамизда, балки Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасида ҳам алоҳида рағбатлантирилади. Ҳар ойда бир-икки, ҳатто тўрт-беш лавозим маоши миқдорида мукофотланади.

лаётган маҳсулотларни аниқлашда, контрабанда йўналишидаги гиёҳвандликка, қурол-яроғлар олиб кирилишининг олдини олишда жонкуярлик ва фидойилик кўрсатади. Ана шу ҳолатларда қайсидир постдаги божхона ходими сал эътиборсизлик ва лоқайдлик қилиб қолса, кимдандир нимадир таъма қилса, бунда божхона талаблари бузилади. Чегарадаги ҳукумат ишониб қўйган инсон — божхона ходими ўз касб масъулиятини йўқотган бўлади. Биз бундай шахслар билан муроса қила олмаймиз.

Бу ходимларнинг ҳар сафар турли қонунбузилишларнинг олдини олишдаги фидойилиги ҳисобга ва эътиборга олинади.

Ўқотар қуроллар ва порох моддасини, диний-экстремистик мазмундаги китобларни чегарадан олиб ўтилишининг олдини олишда фидокорлик қилган ходимларнинг касб масъулиятини чуқур ҳис қилишлари ҳурмат уйғотади қалбимизда. О.Ганжаев, Б.Аҳмедов, Р.Отажонов, Б.Маҳмудов, М.Каримов, Б.Отажонов, Г.Отажонова, Ғ.Худойберганова, А.Раҳимов ва Ш.Оллобергановларнинг машаққатли хизматларини алоҳида қайд этишни истардим.

- Вилоятга кириб келадиган ҳудудий йўлларда интизомни мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

- Бу борада изланиб, яқинда "Газ-Ачак" ва "Дапмачи" божхона масканларини очишга муваффақ бўлдик. Товар моддий бойликлар, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари, ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, рангли металл ва унинг парчалари қонунга хилоф равишда олиб кетилаётганда миллионлаб сўмлик қимматбаҳо маҳсулотлар қайтариб қолинди.

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган жами 50 миллион 719 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган 82124,5 тонна юклар божхона назоратидан ўтказилди. Ушбу жараёнда 611 млн. 270 минг сўмлик божхона тўловлари ундирилиб, республика бюджетига ўтказилди.

- Ички айланма йўллар орқали ёки божхона назоратини четлаб, вилоятга маҳсулот олиб кираётганлар ва олиб чиқиб кетаётганлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

- Бу ички айланма йўлларда ҳам ходимларимиз олиб бораётган ишлар мақтовга сазовор. 1101,5 литр алкогол ичимликлар, 17875655 сўмлик тамаки маҳсулотлари, 995 литр спирт маҳсулотлари ва 64 минг сўмлик қалбаки акциз маркалари ва ароқ шишаси қопқоқлари билан савдо қилишни ният қилган шахслар аниқланди, айбдорларга қонуний чора кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 октябрдаги 1871-сонли Фармонига асосан Ўзбекистондан олиб чиқиш тақиқланган товар моддий бойликларининг ташиб кетилиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, катта миқдорда гуруч, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва қандолат маҳсулотлари ташмачилар қўлидан олиб қолинди.

647 ҳолатда турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат ва хўжалик моллари ҳамда тиббий дори-дармонлар божхона назоратидан четлаб, яширин равишда олиб ўтилаётганда ушланиб, давлат фойдасига мусодара қилинди. 541,5 литр вино маҳсулотининг сифат кўрсаткичи "Ўздавстандарт" метрология ва сертификатция Хоразм ҳудудий маркази етакчи мутахассислари билан таҳлил қилинганда, маҳсулотлар давлат сифат андозаларига тўғри келмаслиги аниқланди. Истеъмол қилишга яроқсиз ичимликлар йўқ қилиш учун назоратга олинди. Шунингдек, экспорт қилиш учун тақиқланган ўсимлик мойи Қозоғистонга чиқарилаётганда ушланди ва истеъмолга яроқсизлиги қайд этилиб, қайта ишлашга топширилди.

Катта миқдордаги автобензин ва дизель ёқилғиси аниқланиб, мутлақо талабга жавоб бермаслигидан қайта ишлашга топширилди. Бошқарманинг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими "Урганч темир йўл бекати", "Питнак темир йўл бекати", "Ташқи иқтисодий фаолият" божхона маскани ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан юртимиздан четга кетаётган 11615603 сўмлик 73181 килограмм рангли металл ушлаб қолинди.

- Гиёҳвандликка қарши қандай кураш олиб борилаяпти?

- Вилоятга киритилаётган умумий миқдори 1635 грамм кучли таъсир қиладиган героин, 686,5 грамм марихуана наркотик моддалари далилий ашё сифатида тортиб олинди. Бундан ташқари Урганч темир йўл шоҳбекатида ўтказилган тезкор тадбирларда "ажал уруғи" билан олди-сотди ҳисобига бойлик орттириш иштиёқида юрган, воситачилик касалига мубтало 3 нафар туркманистонлик аёл ушланди. Уларнинг ёнидан жами 52 конвалюта, 540 дона хорижда ишлаб чиқарилган, таркибида психотроп модда бўлган тиббий таблетка дорилари топилди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга ўз вақтида барҳам беришимиз лозим.

Суҳбатдош: Нурмамат АЛМУРОДОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Юқоридаги суратда: божхона ходимлари Шавкат Абдуллаев ва Баҳром Отажоновлар фуқаро Жамолбек Отахонов тавсия этган юк ҳужжатларини кўриб чиқишмоқда.

Пастдаги суратда эса вилоят божхона бошқармасининг фаол инспектори Гулнора Отажонова.

Муаллиф олган суратлар

Фахриддин билан Икром эрталаб соат тўққизларда чойхонада учрашиб қолганларида, айни шу куни оқшомга бориб бирибирининг қотилига айланиб қолишини сира ўйламагандир...

Ичкилик барча касофатларнинг онаси, деб бежиз айтилмаган. Фахриддин Икромни меҳрибонлик билан уйига таклиф қилди. Икки улфат ўтириб биттадан винони майдалашди. Кор қилмади. Соат ўнларда қийшайишиб кўчага чиқишди. Икром шердил бўлиб кетиб, бир шиша ароқ топди. Униям газаксиз ичдилар. Қийшайишиб Наматон қишлоғига Фахриддиннинг амакиси бўлмиш Сайфиддин аканикига боришди. У ердан қандайдир бир шиша "самагон" топишиб, униям "соғлик-омонлик бўлсин, меҳр-оқибат кўтарилмасин" дейишиб сипқоришди. Ароқ олдин шер қилади деганларидек, "сендан мен камми" қабилида иш тутишиб билакдаги кучларни синаб кўрмоқчи бўлишди, "қўл қайириш" ўйинига тушиб кетдилар. Ичдаги температура юзга тепди. "Сен зўрми, мен зўр?". Ич-ичдан чиранарди иккови ҳам. Айни пайтда шайтоннинг суви ҳакамлик қиларди: - Икковингданам ўзим зўр, маймундай ўйнатаман, дея қаҳ-қаҳ урарди ичкилик.

Унинг муштумзўр хоҳиширодаси олдида икки йигитнинг ҳам виждони бужмайиб, пажмурда ҳолга келганди. Боз устига қўл қайириш ўйинида ким ғолиб бўлса, бир шиша "Шаҳрисабз" арағини қўйиши керак эди.

"КИМНИНГ БИЛАГИ КУЧЛИ?"

Ёки қалтис ўйин касофати...

Бу "олий мукофотга" икки томон ҳам талабгор. Бироқ енгилиш жабрини ҳеч ким татигуси йўқ. Аввалига Икром Фахриддиннинг қўлини босиб, ерга теккизди. Фахриддинга алам қилди. Ғирромлик қилиб бўлса-да, Фахриддин ҳам Икромнинг қўлини ерга босди. Икромнинг жаҳли чиқди. Фахриддиннинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Икки ошно бири-бирини чорак асрлик ҳаётида ўрганган сўкиш-ҳақоратлари билан сийлай бошлади. Хонадон соҳибаси Дилором Камолова уларни ажратиб, яхши гапириб, насиҳат қилиб, уйдан чиқариб юборди. Улар жимгина уй-уйига тарқалиб кетишса бўларди. Аммо Шаҳрисабз туманининг Гулистон жамоа-ширкат хўжалигига қарашли Наматон қишлоғидан Қўштепа йўналиши бўйича кетган асфальт йўл ёқасида яна жанжаллашиб қолишди. Фахриддин Икромнинг ўта маст ҳолатдалиги, яъни ожиз аҳволдалигини кўрабила туриб, уни қасддан ўлдириш мақсадида ўта шафқатсизлик билан юзига, бошига ва танасининг бошқа жойларига қўли билан муштлаб, оёқлари билан тепиб, дўппослаб, судраб беҳуш ҳолга келтириб, уйига кетди. Бу ҳақда ҳеч кимга хабар ҳам қилмади. Наҳс босган мастликнинг оғир карахтлиги эди бу. Икромнинг дадаси Ибодулла ака кечаси соат ўнларда ўғлининг уйга қайтмаётганидан алағда бўлиб, қидириб чиқди. Наматон-Қўштепа йўли ёқасидан ўғлининг қонга беланган жасадини топди. Шу кеча Қўштепа оқшоми онаизорнинг оҳу ноласи билан тўлди. Қотил Фахриддин Муҳиддинов одил суд ҳукми билан 18 йил озодликдан маҳрум этилди.

Акмал МУҲАММАДИЕВ, Шаҳрисабз туманлараро прокуратураси катта терговчиси, II даражали юрист



ЖАСУР ИЗҚУВАР

Ўктам Нажмитдинов кўп йиллардан буён ички ишлар соҳасида меҳнат қилиб, ўзига хос мактаб яратган посбонлардандир. У Ғаллаорол туман ИИБ жиноятқидирув бўлинмаси катта тезкор вакили сифатида кўплаб жиноятларни фош этишда ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Ҳалол хизматлари ички ишлар раҳбарияти томонидан эътиборга олиниб, яқинда у Бахмал туман ИИБга масъулиятли вазифага ишга юборилди.

Эндиликда жасур изқувар Ўктам Нажмитдинов бу ерда меҳнатсеварлиги, ҳозиржавоблиги билан ўзини кўрсатмоқда.

Суратда: милиция майори Ў. Нажмитдинов.

Нур МУҲАММАД олган сурат

Газетада босилмаса ҳам

ФЕРМЕР ЕРИНИ ОЛАДИ

Хазорасп туманлараро прокуратураси томонидан тумандаги "Хударганбек" фермер хўжалиги бошлиғи Д.Якубовнинг "Ҳаёт ва қонун" юридик журнали ҳамда "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Хазорасп тумани Овшар қишлоғи "Эркин" ширкат хўжалиги 13-бригадаси ҳудудида яшовчи Якубов Дўсчонга фермер хўжалигини юритиш учун туман ҳокимиятининг 2000 йил 15 март кунги қарори билан 10 гектар ер майдони 50 йил муддатга ажратиб берилган.

Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳокимнинг биринчи ўринбосари Э. Эгамбердиев зиммасига юклатилган. Лекин у ўз вазифасига эътиборсизлик, лоқайдлик билан қараб мазкур қарор ижросини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Оқибатда "Хударганбек" фермер хўжалигига ажратилган 10 гектар ерни пудратчи Қувонгул Матяқубова, Гулбаҳор Ҳусаинова ва Қундуз Хўжаева фермер хўжалигига бермасдан ўзлари фойдаланиб келганлар.

"Хударганбек" фермер хўжалиги ўз иш фаолиятини олиб бора олмаётганлиги учун туманлараро прокуратурага ариза билан мурожаат қилган эди. Мазкур ариза ҳар томонлама текшириб, қонуний ҳал қилиш учун туманлараро прокуратурага юборилган. Туман ҳокимлиги, жумладан, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Э.Эгамбердиевнинг ўз хизмат вазифасига эътиборсизлик билан қараб келганлиги натижасида, мазкур аризани қонуний ҳал этиш чоралари кўрилмай, сансоларликка йўл қўйилган. Бундан ташқари "Эркин" ширкат хўжалигининг пудратчилари Қ.Хўжаева ҳам туман ҳокимлигига ер масаласида ариза билан мурожаат қилишган. Аммо уларнинг аризалари ҳам ҳокимнинг биринчи ўринбосари Э. Эгамбердиев ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Юсуповнинг айби билан оқибатсиз қолдирилган.

Текширишда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан туман ҳокимлигига ахборотнома ва қонун бузилишини зудлик билан бартараф қилиш ҳақида туман ҳокимининг биринчи ўрибосари Э.Эгамбердиевга амрнома киритилди. Ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаганлиги, туман ҳокимининг Қарори ижросини назорат қилмаганлиги учун А.Юсуповга интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу иш чора кўришлик учун ваколатли органга юборилди.

К. ЖАББОРОВ, Хазорасп туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси

УЧАР АВТОМОБИЛ

Учар гилам ҳақида эшитганмиз, лекин учар автомобил ҳам бўларкан.

Кемерово вилоятидаги Юрга шаҳрининг 30 ёшли фуқароси ўз томорқасида ишлаётган эди, шу пайт унинг бошига... "Волга" автомобили келиб урилди. Уни ичиб олган "жўра"-лар бошқариб келаётган экан. Ҳайдовчи "Волга"ни бошқаролмай қолгач, машина шағал устига чиқиб кетиб, кейин томорқачи калласига учиб тушади. Бечора фуқаро шу ерда жон таслим қилди, ҳайдовчи эса жиноят жойидан қочиб қолди. Лекин тезда ушланиб, темир панжара ичига келтириб қўйилди.

БАЛИҚЛАРНИ... ПИВО БИЛАН СИЙЛАШДИ

Ассошиэйтед Пресс ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШнинг Колорадо штатида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса юз берди: бу ердан оқиб ўтувчи дарёга 77 минг 500 галлон (300 минг литрча) пиво қуйилган. Тахминларга кўра, пиво пишириш заводининг ишчиси йўл қўйган хато, яъни автоматик бошқариш пультини адаштириб юборганлиги сабабли янги пишган пиво тўғри дарёга бориб қуйилган. Бироқ ҳодиса айбдори топилгани йўқ. Колорадо штатининг соғлиқни сақлаш департаменти маҳаллий аҳолига дарёда чўмилишни ва сувини ичишни ман этди. Алкоголдан заҳарланиш сабабли жуда кўплаб балиқларга қирон келди.

Бу ажиб дунё

МАДҲИЯ... АСКАРЛАРНИ РУҲЛАНТИРАДИ

1980 йилда қабул қилинган Ироқнинг ҳозирги мадҳияси Саддам Ҳусайнни қаноатлантирмай қолди. Негаки, президент маҳаллий шоирларга мадҳиянинг янги матнини ёзишни буюрди. Ҳусайннинг нияти жуда катта ва шоирларга уни бажариш осон эмас.

"Янги мадҳия қисқа, лекин аввалгисидан сермазмун, ёдлашга осон бўлиши шарт. Матнда шундай сўзлар ёзилсинки, аскарлар мадҳияни руҳланиб куйласинлар, токи душман самолётларига тўплардан аниқроқ ўқ узсинлар, аёллар эса иш вақтида ғурурланиб куйласинлар" деб таъкидлади президент ва шоирлар мушкулини осон қилиш учун ўзи ёзган поэма сўзларидан фойдаланиш мумкинлигини шама қилиб ўтди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

Алҳазар!

ПОРА ЕГАН — ПОНА ЕР

Кўрган кўрганини, кўрмаган берганини айтар экан. Кейинги пайтларда Термиздек шаҳри азим аҳолиси орасида бир миш-миш тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Эмишки, уй илинжида юрган боумид инсонлар шаҳар ҳокимиятининг уй-жой бўлими бошлиғи Равшан Холбековга учрашса иши тез битармиш. Фақат бир шарти бор экан: "куруғи" - сўмми-кўкми фарқи йўқ, сал дадил бўлса бас, ишлар беш бўлиб кетармиш.

Осмонда бир юлдуз бор — ойдан яхши, чўллаганда қора сув мойдан ҳам яхши бўларкан. Уй олиш истагида "чўллаб" юрган инсонлар Термиздек қадимий шаҳарнинг ҳар бир кўчасида топилади. Ахир, ҳамма ҳам бошида бир бошпана бўлишини хоҳлайди-да!

Ҳар қандай миш-миш замирида ҳам ҳақиқат ётади. Қаҳрамонимиз Равшан Холбеков 1996 йилдан буён Термиз шаҳар ҳокимиятида уй-жой бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келарди. Мансаб ҳам ўзига яраша эътиборли, кўпчиликнинг иши тушадиган, илтимосу кирим-чиқимларга "серҳосил". Ҳаммани ҳам бу дунёда эркинроқ яшагиси, кичкина бир ватан бўлмиш - ўз уйига эгалик қилиш эзгу нияти бор. Ана шу ниятларни амалга оширишда эса Равшан Холбеков хизмат қилган амал курсисининг нархи баланд, қадри ғоздек дароз эди. Нима кўп — илтимосчи кўп. Таниш-билиш деганларидек... Нўноқ мерган оқсоқ қуённи излар экан. Равшанбек ҳам амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, тўғри йўл турганда эгри сойни оралаб уй солишга интилганларни ўзининг "қопқони"га тушириш пайида бўлди. Тўғрироғи, пора олиш касаллигига чалинди.

Ўтган йили ва шу йилнинг олти ойида кўп инсонларга пора олиш эвазига уй беришни ваъда қилди. Кўплар унинг қуруқ ваъдаларига ишониб, олдиндан "закот" пули беришди. Аниқроғи, унинг қармоғига осонгина илинган С.Қорабоева 150 минг, С.Чоршанбиева ҳам шунча, А.Қаюмов 25 минг, Ж.Ишқурбонова 60 минг, Н.Норпўлатов 100 минг, А.Саидов 50 минг, Б.Қодиров 40 минг, У Мўминов 60 минг сўм пулларини қуртдек "уйфуруш" акамиз Равшан Холбековга ўз қўллари билан санаб беришди ва ўз орзулари оғушида шаҳар ҳокимиятининг уй-жой бўлимига бўзчининг мокисидек қатнайвериб, бир нечта пойафзалдан ҳам ажралишди. Булут йиғларкан, гул эса қуларкан. Ўз тузоғидан келаётган мўмай пуллар эвазига айши-ишрат қилиб юрган қаҳрамонимиз эса: кимнинг қўли узун бўлса, олмани ўша узади, деб қуруқ ваъдаларни ўзи алдаган одамлар қўйнига солиб юраверди.

Уй оламан, деб пул чўзганларнинг бири Равшан Холбековнинг ваъдалари қуруқ эканлигига ақли етгач, шу йилнинг июл ойида Термиз шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат этди. Ўнлаб фуқароларни "қуён" тушириб юрган Р.Холбековнинг қилмишларига прокуратура нуқта қўйди. Айни пайтда унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Ҳа, "Пора еган - пона ер" деб шунга айтсалар керак-да!

Хайрулла АҲАДОВ, Термиз шаҳар прокуратурасининг терговчиси, Собир ЁДИКОВ, журналист

"ҚЎПОРИЛГАН" МЕҲР

ёхуд тўрт йилдан бери судралаётган иш

Камол не-не орзу-умидлар билан алоҳида уй-жой қуришни, турмуш ўртоғи Сайёра билан бахтли оилалар қатори турмушларини ўнглаб олишни ният қилиб, ер олиш учун ариза берган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Сариосиё туман ҳокимияти қарори билан бу истак қондирилди ҳам...

Ўрмон хўжалиги ҳудудидан ажратилган жойда қурилаётган уйи битиб-битмай, Камол оғир тузалмас дардга чалинди. Бундай оғирликни кўрмаган Сайёра бирзум иккиланиб нима қилишини билмай қолди. Ана шунда ҳар қандай қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайдиган Камол Сайёрани огоҳлантирди:

- Уй-жой ҳақидаги барча ҳужжатларни тўплаб, бир жойда сақла.

Сайёра гарчи ўқитувчи бўлса-да, бунақа ишларнинг "кўчасидан" ўтмаган эди. Бевалик унинг бошига эрта тушди. Ҳали эрининг қабри совиб-совумай, қайнонаси жанжал қилди: қайнотаси номидан "уй-жой ҳам, олинган томорқа ҳам менiки", дея туман судига даъво аризаси берди. Суд ҳайъати муаммони атрофлича ўрганиб, ишни Сайёра Тўраева фойдасига ҳал этди. Чунки шундай бўлиши табиий эди-да. Аммо мазкур иш шу билан тинчимади. Қайнонанинг "юрист"лиги зўр келиб, Сурхондарё вилояти суд ҳайъатига даъво ариза билан мурожаат этди. Бу сафар мазкур ишни Денов шаҳар суди кўрди. Ҳақиқат яна Сайёра Тўраева фойдасига ҳал бўлгандан қайнона ғазаб отига миниб, аризабозликни авж олдирди. Даъвогар эса яна қайнота — Тожиддин Тўраев. Бу сафар янги кўрсатмалар қўшилди. Гўё ер майдони берилганлиги хусусидаги қарорда "Тўраев Т."ни ўрнига "Тўраев К." ёзилиб кетган, "технический" хато бўлган эмиш.

Вилоят суд ҳайъатидан келган чақириқ қоғозини олган Сайёра аввалига ҳаммасига қўл силтаб, "таслим" бўлмоқчи бўлди. Миясида бир-биридан мудҳиш фикрлар ғужғон ўйнаётган бир пайтда ёнида ширин уйқуда ётган фарзандларини ҳис этди-ю, бир нима хотирасига келиб, қўлига қалам ва қоғоз олди. Аризада ёзаётган воқеа эса бирма-бир, кино тасмасидай кўз олдидан ўтарди.

...Ўша кунлари қураётган уйлари ҳали битмаган бўлса-да, улар кўчиб боришган эди. Уйларига ҳамқишлоқ усталар Нурмуҳаммад Шарипов ҳамда Худойберди Кибриевлар пол қоқишарди. Эри Камол варақ қоғоз ва қалам олади-ю, ушбу уйни қуриш жараёнини қисқача ёзади. Сўнгра хотини Сайёрадан ҳам ёзишни илтимос қилди. Сайёра ўша варақнинг орқа томонига бўлган воқеа-ҳодисаларни ва уччала фарзандлари Шаҳноза, Шаҳло, Ойдинларни ишлари юришаётганидан терисига сиғмай, овқат учун ҳозирланган дастурхонга бир шиша ароқ қўйди ва уни беш киши бўлиб баҳам кўришди. Камол ўшанда Сайёрадан бир кечки овқат тайёрлашда ёрдам берганлигини ёзиб қўйди. Буни кўриб турган уста Нурмуҳаммад ҳам қўлидаги теша-ю аррани қўйиб, қўлига қоғоз ва қалам тутиб, фикрини ёзади.

- Неча юз йиллар ўтгандан сўнг қайсидир бир авлодим бу ўйни янгилаш мақсадида бузар. Ана шунда бизларни эслашади, - деб Камол бўшаган шиша ичига ёзилган қоғозларни жойлаб, пол тагидаги устун ғиштлар ёнига қўяди. Ўша оқшом уйнинг шу хонасидаги пол битказилади...

Не ажабки, Камол ўша пайтда онаси-ю, отасининг уй-жой талашиб, судма-суд юришларини билган бўлса!..

Юз йил эмас, балки жуда қисқа муддат ўтиб, Сайёранинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ушбу пол тахталари қўпорилди. Унинг остидан чиққан ҳужжатлар эса 1999 йил 4 октябрида вилоят судининг очиқ мажлисида Камолнинг бевасига ёрдам бермади.

Ушбу мақолани биз бировни айбдор дея ёки қилни қирқ ёрадиган суд ходимлари ишларига аралашиш учун ёзаётганимиз йўқ. Меҳр-оқибат, виждон, ор-номус каби юксак туйғулар топталаётганига қайғуриб ёзаяпмиз. Яна бир гап. Хўш, қайнонага уй-жой нима учун керак? Ёки унинг бошқа уйлантирадиган фарзандлари бормиди? У ҳам, бу ҳам эмас. Уларнинг фарзандлари аллақачон ўзидан тинчиб кетган.

Начора, меҳр-оқибат поймол бўлган жойда бандасининг кўзини тўр қоплаб олар экан. Акс ҳолда Сайёрани бўлмаса-да, ўз фарзандининг жигаргўшаларини ўйлаганида ҳам қайнона ва қайнота ҳовли-жой можаросини бошламас, бундай нохуш ишга қўл уришмас эди. Мазкур ҳаётий ҳодисадан чиқадиган хулоса шуки, меҳр-оқибатни йўқотмайлик, мол-дунё қутқусига учиб, инсонийликни унутиб қўймайлик, азизлар.

Камолиддин МИНГБОЕВ, журналист

"Ёшлик"-истиқболли ёшлар маскани

АКРОМХОДЖАЕВ Ағзам Мақсудович 1949 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 1971 йили Тошкент Политехника институтини тугаллаган. 1971-95 йиллар мобайнида партия ва давлат органларида турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. 1995 йилдан Собир Раҳимов туман "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси республикамизнинг ҳам илмий, ҳам тиббий, энг асосийси, мустақил юртимизга юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган марказдир. Ҳозирги кунда шаҳарчада 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. 8 мингдан зиёди 32 та талабалар уйларида яшовчи талаба ва ўқувчилардир. Суҳбатдошимиз "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Ағзам АКРОМХОДЖАЕВ бугунги кунда талаба-ёшларнинг маърифий-ҳуқуқий онгини оширишда олиб борилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни ҳикоя қилади.

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг талаба - ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган эътибори туфайли мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 1992 йил февраль ойида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси алоҳида ҳудуд сифатида тузилди. Ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар яна бир карра шуни исботламоқдаки, жамиятимизнинг гуркираб яшнашида ёшларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда барчамиз шунга иқрор бўлдикки, истиқлолнинг абадий ва баркамол бўлишининг зарур шарти бу ёшларимизнинг мустақиллик манфаатларига мос келадиган сиёсий, илмий ва ахлоқий савияси, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларининг устунлиги. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, республикамиздаги ислоҳотлар муваффақияти нафақат иқтисодий ўзгаришларга, балки ёшларнинг маънавияти ва сиёсий маданиятига ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айрим ёшларнинг сиёсий маданияти пастлиги, маънавий дунёқарашининг торлиги кўп ҳолларда уларнинг ҳуқуқий билимлари сустлигидан далолат беради. "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги жамоат ташкилотлари ва ўқув юртлари республикамизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ҳамда шаҳарчанинг осойишталигини сақлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маиший хизматни яхшилаш, меҳнат билан иқтисодий аҳволини ўнгламоқчи бўлган талабаларни иш жойлари билан таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий билимни кенг ёйиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда, айниқса, кейинги пайтда бир қатор шаҳарларда содир этилган ақидапарастлик, диний экстремизм кўринишларнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида туман прокуратураси ходимлари ва туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ўқув юртлари ва талабалар уйларида махсус режа асосида учрашув, суҳбат ва очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги 3 йил давомида талаба ва ўқувчилар томонидан барча оғир жиноятлар турлари, босқинчилик, оғир тан жароҳатлари етказиш, гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва истеъмол қилиш каби жиноят турлари қайд этилмади. Талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оммавий спорт ўйинлари, турли ёшлар клублари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини ишлари йўлга қўйилди. Шаҳарчанинг "Ёшлар гузари"да доимий равишда ҳокимлик бошчилигида ўқув юртлари жамоалари билан биргаликда ҳар жума куни ўтказиб келинаётган "Жума оқшоми" мусиқали дам олиш ва савол-жавоб кечаси талаба ва ёшларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, Тошкент Давлат юридик институти жамоаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси долзарб масала", "Гиёҳвандлик — аср иллати" каби мавзулардаги тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда катта ёрдам бермоқда. Республика телевидениеси "Ёшлар" канали билан ҳамкорликда кашандаликка қарши кураш бўйича ўтказилган кеча ҳам гиёҳвандлик, кашандаликнинг инсон ҳаётига салбий таъсири ҳақида бўлди. Саҳна кўринишларидан иборат бу тадбирда талабалар гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини кўриб, ўзлари учун керакли хулосалар чиқариб олган бўлсалар ажабмас.

"Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси билан биргаликда ўтказилган "Соғлом авлод — келажак пойдеворидир" мавзуидаги тадбир ҳам айнан гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўтказилди. 2000 йилнинг 2-чорагида Республика Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда 2-Тошкент тиббиёт институти олимлари иштирокида икки ой давомида махсус режа асосида талабалар уйларида гиёҳвандлик ва унинг оғир иллатлари, дунёдаги кўплаб мамлакатлар ёшларининг ушбу вабога чалиниб, ҳаётдан эрта кўз юмаётганликлари, унинг даҳшатли асорати туфайли ногирон бўлиб вояга етаётганликлари ҳамда бу иллатнинг олдини олиш борасида суҳбат ва мулоқотлар ўтказилди. Бу ҳолатларга нисбатан талаба - ёшларнинг муносабати бўйича таҳлилий хулосалар чиқарилди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад талаба ёшларни ватанпарварлик, она юртига фидойилик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада такомиллаштиришдир.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларига бир гуруҳ террористларнинг қилган тажовузкорлик хатти-ҳаракатлари Ватанимизнинг ҳар бир софдил фуқаросида ғазаб туйғусини уйғотди. Бу террористларнинг ўз она юртига, ўз халқига нисбатан қилган хиёнатини Ватан ҳиссини туйган ҳар бир киши қораламоқда. Бундай ғаламислар батамом яксон қилиниши шубҳасиз. Аммо биз ёшларимиз орасидан ана шундай ғаламислар, ватангадолар чиқмаслиги учун бор имкониятни ишга солиб, ёшларни ўз халқига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларимизни изчил, янада мукаммаллаштирмоғимиз лозим. Токи "Ёшлик"нинг талаба-ёшлари мустақил Ўзбекистонимизни ардоқлаб, ҳимоя қилишга қодир бўлган фарзанд бўлиб камолга етсинлар.

Суҳбатдош:
Арофат ОРТИҚОВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

Табаррук юристлар

УСТОЗИ АЪЗАМ

ёхуд 75 ёшни тўлдирган Умарқул Усмоновга тўйҳат

Шарқ халқлари орасида азалдан устоз деган сўз буюк ном юради. Унга мингдан, миллиондан бир одамларгина эришган. Элнинг эъзозли инсонлари доимо яхши устоз кўрганлар орасидан чиққан. Шу боис ҳам "Устоз отангдан улуғ", дейишган. Бировни "устоз кўрган" дейишса, бошқасини "устоз кўрмаган-да", деб баҳосини беришган. Буюк алломалар, мутафаккирлар, эл суйган файласуф, тенгсиз саркардаларни ўрганишда "Унинг устози фалон шахс бўлган" дейишга одатланганимиз ҳам шу боис.

Республикамиз ҳуқуқ жамоалари орасида беҳад ҳурматли, ўз адолатпарварлиги, ҳалол ва фидойилиги билан кўплаб элпарвар инсонларнинг "устозим" деган атавига сазовор бўлган Умарқул Усмонович Усмонов 75 ёшга тўлган кунларида мамлакатимизнинг турли ҳудуд ва жабҳаларидан Самарқанд шаҳри сари йўлга тушган автоуловлар йўловчилари бесаноқ эди. Қардош Тожикистондан, қайноқ Сурхондарёдан, пойтахт Тошкентдан, Бухорои шарифдан... давлат хизматчилари, ҳокимият вакиллари меҳнат фахрийлари, хўжалик раҳбарлари, адлия, суд ва прокуратура ходимлари, оддий инсонлар. Уларнинг барчасини ягона мақсад йўлга чорлаган: ҳурматли устозларининг нурли чеҳраларига боқиш, муборак ёшлари билан муборакбод этиш, олдиларида таъзим бажо келтириш орқали шогирдлик қарзи ва фарзини бажо келтириш...

Умарқул Усмонов - мураббий, устоз. 1925 йилнинг суронли йилларида Самарқанд музофотида таниқли инсонлардан бири — Усмон Солиев хонадонида таваллуд топган. Отанинг эл-халқ олдидаги хизматлари муносиб эъзозланган. Хотиралари абадийлаштирилиб, кўча, жамоа ва мактаблар бу инсон номи билан аталади. Тарих музейида номлари қолган. Ана шу жиҳатдан Умарқул ака падари бузрукворлари орқали устоз кўрган, ота тарбиясини олганлардан. У 1941 йилда, 16 ёшида ўрта мактабни тамомлади. Сўнг Самарқанд ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга кирди. Бу даврда фашизм бошлаган қирғинбарот уруш кетаётган эди. Умарқул акани ҳам ҳарбий хизмат ўз "доми"га тортди. Бир йилдан ортиқ "шинелли йиллар"ни бошдан кечирди. Сўнг оғир бетоблик ва уй. 1944 йилда Умарқул ака Тошкент ҳуқуқшунослик институти даргоҳига қадам босди. Уни аъло баҳоларда битирди. Аввалига Хоразмда, сўнг Қашқадарё ва Самарқанд вилояти прокуратура идораларида жонбозлик билан хизмат қилди. Ана шу даврда катта сабоқ мактабини ўтади, руҳий ва ахлоқий чиниқди, устоз бўларлик даражага эришиб, элнинг, жамоатчиликнинг, ҳукуматнинг назарига тушди. Бухородек вилояти азимнинг прокурори лавозимига тайинланди. Қарангки, бу даргоҳларда кам учрайдиган ҳодиса, бир вилоятда 3 конституциявий муддат - 5 йилдан 15 йил мобайнида прокуратура идораларига раҳбарлик қилди. Сўнг яна 2 бор Сурхондарё вилояти прокурорлигига тайинланди. Жами 35 йиллик фаолиятдан сўнг 1984 йилдан фахрий дам олишга чиқди. Аммо устоз фуқаролик бурчини фаол бажаришдан, мураббийлик мажбуриятини амалга оширишдан, эл-маҳалла билан ҳамнафасликни адо этишдан чарчаган эмас. Аввалгидек бардам, теран фикр ва зуккодир. Бугун 75 ёшида ҳам Самарқанд шаҳрининг фахрий инсонлари — қўрғонлари сафида ёрқин ситорадек кўзга ташланиб яшаяпдилар. Умарқул Усмоновнинг хизматлари юқсак баҳоланган. Ў киши прокуратура генерали, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ҳукумат медаллари, фахрий ёрлиқлари, ўнлаб рағбатлар соҳиби бўлган.

- Менинг ҳаётда орттирган энг олий мукофотларим, - дейди Умарқул ака, атрофида саф тортиб турган, сарвиқомат шогирдлари ва фарзанд-неваралари чеҳрасига мағрур боқар экан. - Сизларсиз, азиз биродарларим, дўстларим, укаларим, шогирдларим, болаларим, неваралари, шояд биргаликда аждодларимиз, замондошларимиздан бири етиб, бири етмаган давр — Ватан озодлиги, истиқлолининг тотли кунларига етиб келдик, яшаяпмиз, баҳоли қудрат бу бахтни эъзозлаймиз, ҳисса қўшаяпмиз. Сизлардан фахрланаман, меҳнатим, сарф этган умримдан розиман, - дейдилар меҳр билан.

Барча йиғилганлар тўкин меҳрли нигоҳларини устозга тикканларича таъзим бажо этадилар. Миннатдорчилик руҳи даврада кезиб юради.

Устоз Умарқул аканинг қиёфаси руҳий-қудрати, берган сабоғи, ҳаёт фалсафаси шогирдлари-ю, болалари, жажжи неваралари юзида акс этади, жилоланади. Шу кунлари ўзларининг 70 ёшларини қаршилаётган яна бир табаррук инсон — Саодат ая, устознинг ҳаёт сўқмоқларида ҳамроҳи бўлган аёл. Умарқул акага ҳамон бақамти, юзларидан нур ёғилиб, қаторни тўлдириб турадилар.

Тўйга келганлардан бир гуруҳи ўша куни Самарқанднинг муборак қадамжоларини зиёрат қилиб қайтишди. Улардан бири Маҳдуми Аъзамнинг ҳокипойлари эди. Бу ерда ўтмишда учта буюк шахсга "Аъзам" унвони берилганлиги ҳақида сўз кетди. Биз шогирдлар беихтиёр дилимизда пайдо бўлган ҳиссиётни ташқари чиқариб, ҳамфикр эканлигимизга амин бўлдик:

"Сиз ҳам биз учун устози Аъзамсиз, Умарқул ака!"

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

(Бир гуруҳ шогирдлар фикрлари жамлаб битилди).

Меҳр билан яшарар олам

БАХТ БАРЧАГА ЯРАШИҚЛИДИР

Абдулҳамид Қаюмов билан учрашиб, суҳбатлашиш мақсадида Ангрен шаҳар 34-мактаб-интернатига йўл олдик. Бу ерга етиб келгунча хаёлимда Дилбар опа Абдуллаеванинг/шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раисаси/ сўзлари кечди: "Бир куни шу интернатдан хабар олай деб борсам, ҳовлида болалар тарбиячилари билан бирга одатдагидай ўйнаб юришибди. Узоқдан мени кўриб илдам қадамлар билан келаётган Абдулҳамиджоннинг олдига бир бола югуриб келди. Директор болага нималардир деяпти, шу орада энгашиб чўккалади. Боланинг оёғидаги ботинка иплари ечилиб кетган экан. Абдулҳамиджон уни маҳкам боғлаб қўйди".

Ҳовлига кириб бордик. Гуллар яшнаб, очилиб турибди. Йўлаклар тоза, ораста. Бир томонда спорт майдончалари, бир томонда мевали дарахтзор. Ўртада мактаб-интернатнинг кўпқаватли ғиштин биноси. Абдулҳамид ака ғайратчан, сўзларни чертиб-чертиб гапиради. 1992 йилгача у шаҳардаги турли мактабларда ишлади. Бир куни ўша пайтдаги шаҳар ҳокими Юсуфали Сотиболдиев бу куюнчак, тинибтинчимас ўқитувчини ҳузурига чорлади. Бироз суҳбатлашиб ўтиргач:

— Шаҳримиздаги интернат ҳақида эшитгансиз, биласиз. Унинг аҳволи ҳозирги кунда яхши эмас. Айниқса, болалар тарбияси издан чиққан. Шуни сизга топширсак, бир терлаб ишласангиз, - деди.

Янги жойда янги иш бошлаган Абдулҳамид Қаюмов чиндан ҳам аҳвол оғирлигини кўрди. Болалар деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган, назорат бўшашган. Улар билан жиддийроқ, қаттиққўлроқ бўлишга тўғри келди. Жойи келса, жазолади ҳам. Бу бошқаларнинг кўзини очди. Билишдики, ҳамма нарсанинг ҳам сўрови бор. Ҳеч нарса-яхшиликми, ёмонликми изсиз йўқолмайди.

Мактаб-интернат катта даргоҳ. Бу ерда 245 бола тарбияланади. Ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб, юрагини тинглашнинг, оиласигача ўрганишнинг ўзи бўлмайди. Бу ишда унга жамоа кўмакка келди. Абдулҳамид ака ҳар бир ходим, тарбиячи ва ўқитувчи билан очиқ, юзма-юз гаплашди. Муқим ва астойдил ишлашга иштиёқи борлар мактабда қолди. Сабаб - болага тарбия бериш учун мураббий тарбияли, илмли, ҳунарли бўлмоғи зарур.

—Бизга болаларни турли жойлардан турли шароитларда олиб келишади, - дея гапини давом эттирди директор болаларга қараб. - Кимнингдир ота-онаси йўқ, қариндош-уруғлари қабул қилишмаган, кимдир ота-онаси кимлигини билмайди ҳам, кимнингдир ота-онаси ҳар замонда бир келиб-кетади. Бир куни ҳовлида тарбиячилар, ўқитувчилар, болалар билан ўйнаб, суҳбатлашиб юрсак, дарвозадан маст одам гандираклаб кириб келди. Болалар таққа тўхташди, биз ҳам. Орадан битта бола югуриб чиқди-да, "Дадажон, келдингизми..." дея бағрига отилди. Иккаласиям йиғлайди. Тўғриси, ҳамманинг, ўзимнинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Улар анча суҳбатлашишди. Бола отасига сиз билан кетаман, дейди, ота бўлса дадил сўз айта олмай чайналади, чайқалади. Охири ўзимда куч топиб, болани яхши сўзлар билан қолишга кўндирдим. Лекин бир кетаётган отасидан кўз узолмаётган болага, бир орқасига қарайман деб гандираклаётган отага қараб, юрагим эзилиб кетди.

Бу ерда болалар учун ҳамма шароит муҳайё. Ўқийман деса мактаби бор. Боғча, боғча опалар. Ётоқхона ҳам шу бинода жойлашган. Жиҳозлари янги, чойшаблари озода. Хоналар дидли, тартибли. Қулайликлари аъло. Бир қарашда ҳамма нарса жойида, рисоладагидай, каму кўст йўқдай. Болаларнинг кўзлари эса айтиб турибди— юрак-юракдан битта нарсани хоҳлашади, у ҳам бўлса ота-она меҳри. Эҳ, кемтик дунё! Бири кам дунё!

— Бир куни кабинетимга ёшгина қиз қўлида, ишонасизми, ўттиз саккиз кунлик чақалоғи билан кириб келди. Боламни сизларга ишонаман дейди-ю, тинмай йиғлайди. Кўплашиб, кўмаклашиб уни бу хато йўлдан қайтаришга уриндик. Фойдаси бўлмади. Ўша болани ҳозир сизга кўрсатаман. Ана, икки яшар бўлиб қолди. Уни ҳаммамиз катта қилдик. Кўз олдимизда ўсди. Эркатойимиз у. Ширинлигини қаранг! Ўзим ҳам ҳар гал қараганимда ўртаниб кетаман - шундай боланинг онаси қайтмади. Кимга жабр, кимга сабр...

Абдулҳамид ака рахбарликни қўлга олиб аҳил жамоани бирлаштиргач, ажойиб бир анъанага асос солди. Шу даргоҳда ким ишласа, шанба, якшанба - дам олиш кунлари имкон қадар, ҳохлаганича болалардан уйига олиб кетади. Уларни ўз болалари билан бирга ювинтиради, овқатлантиради, шаҳар айлантиради, кези келса, совға-салом қилади.

Абдулҳамид ака сўзи билан иши бир одамлар тоифасидан. Ўзи ҳам шу болалардан уйига олиб бориб туради.

— Эсимда, - дейди у қулимсираб. - ишни бошлаганимда ишга шундай шўнғиб кетибманки, ўзи иш чиндан ҳам кўп эди, шу ерда тонг орттириб, янги кунни бошлаган пайтларим ҳам бўлган. Рафиқам ҳам мен каби давлат хизматчиси. Бир сафар болаларим билан шуғулланишга вақтим етмаётганини сезиб қолдим. Уйга келсам, кеч бўлиб қолганига қарамай, ўғлим ҳали келмаган. Хавотирлана бошладик. Кайфият бузилиб, эр-хотин ўртасида шу пайтгача бўлмаган тортишув ҳам бўлиб ўтди. Ўғил келгач суҳбатлашдим. Оилада ота-она ўрни қанчалик муҳимлигини чуқурроқ англадим.

— Бизда фақат фидойи одамларгина ишлаб кета олади, - давом этди директор. - Уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни қабул қиламиз. Улар турли миллатларга мансуб. Боғчамизда, мактабимизда машғулот ва дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Тажрибали, малакали мураббийларимиз қанотига ёшлар қўшилмоқда. Кутубхонамизни бадиий, тарихий асарлар билан бойитиш ҳаракатидамиз. Ҳозирча кичикроқ хонада бўлса ҳам, интернатимиз музейини ташкил этдик.

Интернатдан бола олиб тарбиялаётган меҳридарё инсонлардан бири- Кўшбой ота Мусурмонов. Қадам узмай келиб туради. Ўз фарзандлари қаторида тўрт ўғил, икки қизни вояга етказдилар.

Болалар соғлиғини тиббиёт бўлими назорат қилиб туради. Унда турли мутахассисликка эга шифокорлар, ҳамширалар хизмат қилишади. Тиш, терапия, физиотерапия каби хоналар мавжуд. Ҳар йили бир марта чуқур тиббий кўрик ўтказилади. Ошхонанинг тозалигидан кўз қувнайди. Болаларнинг ўзлари ювиб, тозалашади.

— 1995 йил менга, интернатимизга кутилмаган қувонч олиб келди. Ҳукуматимиз камтарин меҳнатимни, "Соғлом авлод" ордени билан тақдирлади. Вазиримиз ташриф буюриб нима етишмовчиликлар бор, деб сўрадилар. Мен болаларимиз учун компьютер хонаси кераклигини айтдим. Эндиликда бу хонада ҳар бир синф навбати билан дарс ўтади. Мактабда ўқув кабинет системасида олиб борилади. Бу меҳр масканида ҳар бир байрам алоҳида тайёргарлик билан ўтади. Болалар фаол, ижодкорлик руҳи билан қатнашади. Спорт мусобақалари ҳақиқий байрамга айланиб кетади.

Шу ерда кўпчиликни ўйлантирадиган бир савол туғилади: боланинг бу ердан етуклик шаҳодатномаси, фуқаролик ҳужжати-паспортни олиб кетгандан кейинги тақдири қандай кечади? Борай деса уй, ота-она, қариндошуруғ, кутгувчи йўқ.

— Биз буни бошидан ҳал этганмиз. Ўқишга киришни хоҳловчи болаларимиз билан алоқамиз мустахкамланади. Қаерга топширди, ўтолдими, йўқми суриштирамиз. Иш, уй-жой топишларига бевосита ёрдамлашамиз. Ўқишни битирса, ҳам шу, - меҳримиз узилмайди, аксинча, йиллар билан қўшилиб ўсади. Шу ерда тарбия топиб, турмуш қуриб, ишлаб қолганлар анчагина. Биз меҳнатимизнинг мевасини йиллаб кутамиз. Кутгандаям, таъмасиз, чидам, яхши ният билан. Бу - бир ниҳолни ўтқазиб, ундан мевасини, ҳосилини олгандай гап.

— Абдулҳамид ака! Буюк шоирлардан бири: "Дунёни бир кунга болаларга берайлик!" - деган экан. Агар шу имконият сизни ҳам болаларингизга берилса, тасаввур қилинг-а, улар нималар қилишаркин?

— Балким адашаётгандирман, балким йўқ, менимча, аввало, ҳамма жойга "отажон", "онажон" деб ёзиб чиқишади, сўнгра, хотираларида сақланаётган ота-онасини ўзи билан қўшиб суратга кўчирарди. Дунёни бир оила деб ўйлашади болалар. Бу оилада ҳар ким ўз ўрнида бўлишини исташади улар. Бу сўзни яна бошқача талқин қилиш ҳам мумкин. Ўйлаб қаралса, дунё том маънода шу болалар қўлида эмасми! Ахир, биз ҳам шуларни деб меҳнат қилаяпмиз, сизлар ҳам шуларни ўйлаб, қалам тебратиб юрибсиз. Мақсад битта — уларни бахтли қилиш, бахтли кўриш. Зеро, бахт-ҳаммамизники, бахт барчага ярашиқлидир.

Ойгул СУЮНДИҚОВА,
шоира,
Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Шу сонга хабар

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими" ва республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази билан ҳамкорликда Бўка туманидаги "Қишлоқ хўжалиги Агросервис Коллежи"да "Огоҳликка даъват" мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Юзлаб талабалар ва мураббийлар иштирок этган давра суҳбатини туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Кутбиниса Ҳайдарова кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди Муҳаббат Бобожонова мамлакатимиз раҳбарининг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида "Эгали юрт эркини бермас" мавзуида, Тошкент Давлат юридик институтининг доценти Муҳаммаджон Усмоналиевнинг Республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия ҳамда "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармонларининг аҳамияти ҳақидаги маърузалари иштирокчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Анжуманда Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи" бўлими бошлиғи Дилшод Тожибоев, Бўка туман прокурори ёрдамчиси Икромжон Умрзоқов иштирок этди.

Юқоридаги мавзуларга бағишланган давра суҳбати Бўка тумани ҳокимлиги биносида тумандаги фаоллар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари, маҳалла посбонлари ва диний ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Дилдора ҲАЙИТБОЕВА,
Тошкент Давлат юридик институти 3-босқич талабаси

ҚАТРАДА ҚУЁШ

ёхуд отамнинг ўгитлари *(туркумдан)*

- Ўғлим, оёғинг тойса ҳам тилинг "тоймасин".

***

- Ўғлим, аччиқ аммо ҳақиқатни гапирган одамнинг қадрига ет!

***

- Ўғлим, одамни иш эмас, "миш-миш" толиқтиради.

***

- Ўғлим, вақтида қайтарилмаган қарз одамни тез қаритади.

***

- Ўғлим, мансабдорлик — манфаатдорлик дегани эмас...

***

- Ўғлим, қонундан қўрққан, унга риоя қилган одамгина ҳаётда ҳалол яшайди.

***

- Ўғлим, порахўрнинг номи Африкада ҳам порахўрдир. Чунки унинг миллати бўлмайди.

***

- Ўғлим, ўжарлик — жарликдир.

***

- Ўғлим, айбингни бекитмоқчи бўлсанг, дўстларингни кўпайтир!

***

- Ўғлим, сени ёқлаб, кўпчиликнинг овоз бериши — бу ҳали адолат тантанаси дегани эмас.

***

- Ўғлим, кексайсанг кексайгину асло кеккайма!

***

- Ўғлим, яхшилигинг баъзан ёмонлик бўлиб қайтса, ажабланма!

***

- Ўғлим, фақат тирикчилик учунгина яшаб юрган одам ўликдир.

Исматулла МАМАНОВ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди

Навбатчи:
С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
З. ШЕРМАТОВА
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси
Тел: 133-24-
132-14-
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.